RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Ислом КАРИМОВ: **ЯНГИ МИНГ ЙИЛЛИККА ЙЎЛ ОЧИБ БОРАР ЭКАНМИЗ, ҲАММАГА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ҚЎЛИНИ ЧЎЗАМИЗ. ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА СОБИТҚАДАМ РИВОЖЛАНИШ ДЕГАН СЎЗЛАР БУНИНГ РАМЗИДИР. ЧУНКИ, АЙНАН АНА ШУ ТУШУНЧАЛАР ҲАР БИР МАМЛАКАТНИНГ, ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ ТИНЧЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, РАВНАҚИ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР ЯРАТАДИ.**

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
20 МАЙ
ШАНБА

№ 58 (25.608).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ВЛАДИМИР ПУТИН:

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАҲДИД – РОССИЯГА ТАҲДИДДИР

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан 18-19 май кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ташриф дастуридан жой олган асосий тадбирлар Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Биринчи куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Владимир Путин ўзаро яккама-якка суҳбатда шу куннинг долзарб масалалари, икки томонлама алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари борасида фикр алмашди. Бу учрашув мўлжалланганидан анча узоқ давом этгани унда муҳокама қилинган масалалар жуда муҳим бўлганлигидан дарак беради.

Бугунги кунда диний экстремизм, халқаро террорчилик ва минтақавий хавфсизлик масалалари нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда жуда долзарб бўлиб турибди. Шу боис, музокараларда бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Президентлар давлатлар осойишталигига хавф солувчи ҳар қандай хавф-хатарга қарши ҳамжиҳатликда курашишнинг муҳимлигини қайд этдилар. Бугунги кунда дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига тўсқинлик қилаётган бундай хавфни енгиш учун биргаликда, кучларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда кураш олиб борилмаса, эртага у барча учун ашаддий таҳдидга айланиши турган гап. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун ҳозирданоқ қатъий чора-тадбирлар кўриш келажакдаги фаровон ҳаёт кафолати бўлади.

19 май куни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда ҳам Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий, шунингдек, хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Бу соҳалардаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам бирдек муҳимлиги яна бир бор эътироф этилди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шериги ва иқтисодий ҳамкори ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Россиянинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Сўнгги вақтларда бу борадаги ҳамкорлик алоқалари сезиларли жонланганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми тўққиз фоиз ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо айланмасининг йиллик ҳажми 1-1,5 миллиард АҚШ доллари атрофидадир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, собиқ иттифоқ республикалари орасида фақат Ўзбекистонгина Россиядан қарздор эмас.



Бугун Ўзбекистон, дейлик, самолётсозлик соҳасида Россия билан шериклик қилишдан манфаатдор бўлса, ўз навбатида, Россия тўқимачилик саноатининг ривожи ўзбек пахтасига боғлиқ. Шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Россияга етказиб берилиши ҳам муҳим савдо-иқтисодий омиллардан ҳисобланади.

Музокаралар жараёнида таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни юксалтиришга хизмат қиладиган, аммо турли сабабларга кўра ишга солинмаган улкан имкониятлар, заҳиралар мавжуд. Музокараларда мана шу омиллардан унумли фойдаланишни тезроқ йўлга қўйиш, бунинг учун кучғайратни бирлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари ниҳоясига етгач, ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилмалари ва Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда халқаро автомобиль қатнови тўғрисида битимлар имзоланди.

Музокаралар якунлангач, Ислом Каримов ва Владимир Путин журналистлар билан учрашди. Мамлакатимиз раҳбари Владимир Путин расман президент лавозимини эгаллаганидан сўнг ўзининг биринчи хорижий сафарини айнан Ўзбекистондан бошлагани чуқур рамзий маънога эга эканлигига эътиборни қаратиб, мазкур ташриф чоғидаги музокаралар самарали бўлгани ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидлади.

— Биз ҳар галги учрашувимизда ўзаро ҳамкорликнинг ҳам Ўзбекистон, ҳам Россия миллий манфаатларига мос келувчи янги шакл ва усулларини топишга муваффақ бўляпмиз, — деди жумладан Ислом Каримов. — Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп томонлама шериклик бугунги кунда ўзаро ишонч, тенглик ва бир-биримизга ҳурмат асосида қурилмоқда.

Владимир Путин президентлик лавозимини расман эгаллагач, илк хорижий сафарини Ўзбекистондан бошлагани тасодифий эмаслигини айтди.

— Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар бўйича ривожланиб бормоқда, — деди Россия раҳбари. — Мамлакатларимизнинг бир-бирини тушуниш даражаси кундан-кунга ортаётир. Бу эса, ўз навбатида, муносабатлар ривожининг жадаллашишига туртки бўляпти.

Ислом Каримов музокараларда минтақавий хавфсизлик масаласи кенг муҳокама этилганини маълум қилди.

— Диний экстремизм, халқаро террорчилик, шунингдек, Шимолий Кавказ, Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги барқарорликка путур етказишга уринаётган кучлар ортида яхши таъминланган ва уюшган халқаро экстремистик марказлар турганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас, — деди Ислом Каримов. — Бу иллатларга қарши курашиш ва манбаларини йўқ қилиш борасида Ўзбекистон билан Россиянинг қарашлари бир-бирига уйғундир.

Ўзбекистон Россия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кучайтиришдан, ўз навбатида, Россия ҳам мамлакатимиз билан бу борадаги шериклики мустаҳкамлашдан манфаатдор. Владимир Путин Ўзбекистонга ташрифдан олдин Давлат Думасига Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани ратификация учун таклиф қилгани бежиз эмас. Мазкур ҳужжат ўтган йилнинг декабрида, В. Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган эди. У икки мамлакат қуролли кучларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий техника ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш масалаларини ҳал қилиш учун ҳуқуқий асос яратади. Ислом Каримов таъкидладики, айни пайтда икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик борасида ўттизга яқин лойиҳа ва шартнома устида иш олиб борилмоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини янада оширишга хизмат қилади.

Владимир Путин Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат хавфсизлигини таъминлаш борасида юритаётган сиёсатига юқори баҳо берди ва бу жараён республикамиз иттифоқчилари, жумладан, Россия томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Сўнгги вақтларда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга қаратилган ҳаракатлар анча фаоллашгани рост. Экстремистик кучлар бу ҳудудда «бекарорлик ўчоғи» яратишга уринаётир. Минтақада жойлашган республикалар, жумладан, Ўзбекистон Россиянинг муҳим шериги ҳисобланади. Бинобарин, бу ердаги беқарорлик Россия манфаатларига ҳам путур етказади. Шунинг учун Владимир Путин Ўзбекистонга солинган таҳдид Россияга ҳам қилинган таҳдид бўлади, деб алоҳида таъкидлади. Шу туфайли Россия раҳбари халқаро террор ва экстремизмга қарши курашда Россия Ўзбекистонга ҳар томонлама кўмак беришга доим тайёр эканлигини маълум қилди.

Сўнгги вақтларда Ислом Каримов ва Владимир Путин ўртасида шахсий дўстона яқинлик ва ишонч пайдо бўлгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Журналистлар билан учрашувда президентларнинг ўзлари ҳам бу жиҳатни алоҳида таъкидлади. Улар бу дўстона яқинлик давлатлараро муносабатларнинг янада юқори босқичга кўтарилиши ҳамда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлишини қайд этди.

Дўрмон қароргоҳидаги тадбирлар ниҳоясига етгач, президентлар Тошкент ислом университетига ташриф буюрди. В. Путин университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Шу билан Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, жумладан, шундай деди:

— Владимир Путиннинг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлди, — деди Ислом Каримов. — Маълумки, ўтган йилнинг декабрь ойида В. Путин мамлакатимизга Россия ҳукумати раиси сифатида ташриф буюрган эди. Шундан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу сафар у юртимизга Россиянинг президенти сифатида келди. Мазкур икки ташриф сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, турли масалаларга қарашларимизни уйғунлаштириш, хавфсизлик йўлида алоқаларимизни мустаҳкамлаш борасида жуда муҳим омил бўлди.

Анвар КАРИМОВ,
Алишер ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбирлари

Суратда: учрашувдан лавҳа.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ЙИЛ ОЙ КУН

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Маҳдий Фатҳулла Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари А.Комилов билан учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари йилдан-йилга ривожланиб бораётган бўлса-да, ҳали икки томонда ҳам ишга солинмаган имкониятлар кўплиги таъкидланди. Учрашув якунида меҳмон мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарига Миср ташқи ишлар вазири Амр Мусонинг мактубини топширди.

Мисрлик меҳмонлар шу куни Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳам бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш юзасидан музокара ўтказди.

■ **(ЎзА)**

175 МИНГ СЎМ

— Бугунги кунда кимки Наманган вилоятида лайлак отса шунча миқдорда жарима тўлайди ва жиноий жавобгарлик учун тўпланган ҳужжатлар тергов органларига оширилади, — дейди Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Мадаминжон Хошимхўжаев.

Дарвоқе, унинг гапига қараганда, ҳозир лайлаклар сони 4 мингтадан ошган.

ПИЛЛАГА — ТРАКТОР!



Фарғонанинг Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор» ширкат хўжалиги пиллакорлари 250 қути қурт уруғидан салкам 17 тонна «кумуш тола» олишди. Республикада биринчи бўлиб пилла тайёрлаш давлат буюртмасини уддалаган хўжаликка «ТТЗ-100» трактори мукофотга берилди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ТАБАССУМ» СИҲАТГОҲДА

Ўзбекистон телерадиокомпанияси адабиёт ва радиотеатр бош муҳарририяти томонидан тайёрланаётган «Табассум» ҳажвий радиожурнали ижодкорлари республикамиз вилоятларида, ташкилот ва хўжаликларида тез-тез бўлиб, меҳнаткашларга бир олам кулгу ва шодликлар улашаяпти.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири сўлим «Чинобод» сиҳатгоҳида ҳам ўтказилди. Эл суйган санъаткорлар Эргаш Каримов, Суръат Пўлатов, Мариям Ихтиёрова, Равшан Солиҳов, Абдухолиқ Мамарасулов ва бошқа комик актёрлар ижро этган ҳажвий саҳна асарлари, интермедия, ичакузди ҳангомалар барчага завқ-шавқ бағишлади. Хушовоз хонандалар Маҳмуд Номозов, Дилфуза Раҳимоваларнинг дилрабо қўшиқлари, «Табассум» радиожурналининг фаол муаллифларидан бири Абдулла Айизов ўқиб берган ҳажвий шеърлар дам олувчиларга манзур бўлди.

— «Табассум»чилар билан кўп йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келаяпмиз, — дейди сиҳатгоҳ бош врачи Насим Зуфаров. — Улар дам олувчилар ва даволанувчиларга руҳий мадад бермоқда.

■ **Мастура ОЙХЎЖАЕВА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТАРКИБИ ФАОЛИЯТИНИ ВА ТАЛАБАЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент Давлат университетига» «Ўзбекистон Миллий университети» мақомини бериш тўғрисида» 2000 йил 28 январдаги ПФ-2532-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда мамлакатда таълим тизимини ривожлантиришда ва кадрлар тайёрлашда унинг ролини ошириш, шунингдек Ўзбекистон Миллий университети профессорлари, ўқитувчилари фаолиятини ва талабаларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2000 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Миллий университетининг ўқитувчилари, катта ўқитувчилари, доцентлари, профессорлари, факультетларнинг деканлари ва кафедра мудирларига лавозим маошининг 15 фоизи миқдоридаги ойлик устама белгилансин, устама Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тўланади.

2. Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларни моддий рағбатлантириш жамғармаси тузилсин.

Қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

университетнинг талабалар ва аспирантларни пулли-контракт асосида ўқитишдан оладиган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар, васийларнинг хайрия маблағлари ва бошқа нотижорат манбалари;

университет бўлинмалари ва тузилмалари фаолияти ихтисоси бўйича товарлар ишлаб чиқариш ва сотишдан (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромадлар;

амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий университетининг Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларни моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади:

тегишли равишда ўқишда ва ўқитувчилик фаолиятидаги муваффақиятлари учун талабалар ва ўқитувчиларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш;

эҳтиёжманд талабалар ва ўқитувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

ётоқхоналарда яшаётган талабалар ва аспирантларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш;

эҳтиёжманд ўқитувчилар ва профессорларни уй-жой билан таъминлаш;

университет жамоасида ўтказиладиган маърифий, маънавий ва маданий тадбирларни маблағ билан таъминлаш;

ўқитувчилар ва талабаларни спорт жиҳатдан ривожлантириш ҳамда соғломлаштиришга доир комплекс тадбирларни амалга ошириш;

университетнинг кутубхона фондини янгилаш ва кенгайтириш;

университет ўқув бўлинмаларининг моддий-техника базасини яхшилаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Миллий университети, манфаатдор корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялар ва корхоналар, тижорат банклари иштирокида Ўзбекистон Миллий университетининг Васийлик кенгашини бир ой муддатда ташкил этсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиласин:

Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларни моддий рағбатлантириш жамғармасини тўлдириш учун ҳомийлар, васийларнинг маблағларини, грантлар ва бошқа манбаларни жалб қилиш;

ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда Жамғарма маблағларига бўлган эҳтиёжни, унинг нисбатларини ва уларни тақсимлаш механизмини белгилаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва аниқ фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети:

Ўзбекистон Миллий университетининг Ривожлантириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибини ва талабаларни моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни:

Ўзбекистон Миллий университетининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. С. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. С.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 19 май

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Конун ҳужжатларини амалга оширишнинг таъсирчан механизмини шакллантириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини сифатли тайёрлаш ҳамда уларнинг қонунийлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи идоравий меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишини бартараф этиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Белгилаб қўйилсинки:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида янада кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилишини ҳамда кейинчалик меъёрий ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун мудатда барча манфаатдор шахсларга етказилишини таъминласинлар;

умумий мажбурий тусдаги меъёрий кўрсатмаларни меъёрий тусда бўлмаган ҳужжатларга киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларни ижро этиш учун жўнатиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳолларига йўл қўймасинлар.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари идоравий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, барча даражалардаги ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни, рўйхатдан ўтказишни ва уларнинг фаолиятини мураккаблаштирувчи, асоссиз равишда қўшимча маълумотномалар ва ҳужжатлар сўрашни назарда тутувчи ҳужжатлар чиқарилиши тақиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан идоравий меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва амалга киритишнинг белгиланган тартиби бажарилиши устидан назоратни таъминласин;

идоравий нормалар чиқаришнинг аҳволини доимий равишда таҳлил қилиб борсин ва зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин;

бир ой муддатда Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларни вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга етказсин;

«Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари таҳририятлари билан биргаликда барча манфаатдор шахсларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектларини янгидан қабул қилинган умумий мажбурий тусдаги идоравий меъёрий ҳужжатлар тўғрисида, идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ҳар ҳафта эълон қилиш йўли билан, хабардор қилишни таъминласин;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда 2000 йил 10 июнга қадар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ келмайдиган, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш сиёсати талабларига жавоб бермайдиган, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун асоссиз тўсиқлар қўйётган, тадбиркорлик субъектларининг ташаббускорлигини ва иқтисодий эркинлигини чеклаётган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш мақсадида идоравий меъёрий ҳужжатларни хатловдан ўтказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 19 май

МАҲАЛЛА ҲАҚИДА ФИЛЬМ ЯРАТИЛЯПТИ

Тўрткўл туманидаги «Ғалаба» маҳалласи фуқаролар йиғини фаоллари «Менинг маҳаллам — менинг қувончим ва ташвишларим» деб номланган кинолавҳалар туркумини ярата бошладилар. Лавҳаларда ибратли оилалар, шу маҳаллада яшаб ўтган ва яшаётган, эл ҳурматига сазовор кишилар ҳаёти акс этган.

Шунингдек, унда турли тадбирлар, жумладан, «Намунали оила» танловлари, тўй-маъракаларнинг ўтиши, маҳалладаги ёлғиз кишилар, ногиронларга кўрсатилаётган ёрдам ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Бир сўз билан айтганда, фильм ижодкорлари — шу маҳалла аҳлидир. Чунки бу фильмни яратиш унча кўп маблағ талаб қилмайди. Фильм сценарийсини маҳалла йиғини раиси Тўхтабой Реимов ёзган бўлса, суратга олувчи операторлар ҳам, бошловчилар ҳам шу маҳалланинг ўзидан.

Табиийки, маҳалланинг кечаси, бугуни ва эртаси ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильм ҳар бир хонадоннинг мулкига айланади.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ПАХТАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ МАМНУН

Навоий вилоятида банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасида ўзига хос тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят «Пахтабанк» тизимида мижозлар ишончини оқлаш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинаяпти. Акция ва акциядорлик хизмати намунали йўлга қўйилган. Банк тасарруфида 907 акциядор бўлиб, улар ихтиёрида 150 миллион 309 минг сўмлик акция бор. Кейинги икки йил мобайнида акциядорлар сони 373 тага кўпайди. Шу даврда уларга 37 миллион сўмдан кўпроқ дивидентлар тўланди.

— Акциядорлар сонининг мунтазам ортиши банк молиявий аҳволини ўнглашда, иқтисодий устуворлик даражасини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди вилоят «Пахтабанк» бошқаруви раиси Чинпўлат Қаноатов. — Бу, сармоя ва қўшимча ресурсларни шакллантиришга, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаяпти, албатта. Асосийси, акциядор, яъни сармоядор кўпайиши билан чет эл инвестицияларини кўпроқ қўлга киритишга, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга имкон яратилаяпти.

Вилоят «Пахтабанк» жамоаси пул муомаласи, эмиссия даражаси учун имкон қадар барча ишларни қилаяпти. Бу ўринда акция ва акциядорлик таянч нуқта — пиллапоя вазифасини ўтаяпти. Улар билан ишлашда банкнинг Навбаҳор тумани бўлими ўзига хос тажриба тўплаган. Туман банкида бугун 350 та мижоз бўлиб, шундан 276 таси тенг ҳуқуқли акциядорлардир. Мисол учун, туман «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти банкнинг 1 миллион 16 минг сўмлик акциясини сотиб олган бўлиб, кейинги икки йил давомида 40 фоиз миқдорида дивидент олиб келаяпти. Бу дивидентлар корхона иқтисодиёти, ишчилар турмуш тарзини яхшилашда асқотмоқда. Муҳим жиҳати, корхона акциялар тушуми мамлакатнинг исталган ҳудудидан кимёвий ўғитлар олишга имкон бераяпти. Бу эса хомашё тақчиллигининг олдини олиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асос бўлади.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Ўзбекистон фақат демократик ҳуқуқий давлатгина эмас, балки инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган. Бу эса жамиятдаги айрим тоифадаги, ҳимояга муҳтож кам таъминланган кишилар давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши зарурлигини тақозо этади.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, жамиятнинг инсонпарварлиги аслида унинг кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, ёлғизларга, етимларга, ночор кишиларга бўлган меҳр-мурувватти ва шафқати билан белгиланади. Бугунги кунга келиб республикамизда 2,8 миллион киши пенсия ва нафақа билан таъминланган. Уларга ҳар ойда тўланадиган маблағ қарийб 5,1 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

«Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», — деб кўрсатилади Асосий қонун — Конституциямизда.

Мамлакат аҳолисининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари — кам даромадли ва кўп болали оилалар, пенсионерлар, ногиронлар ва бошқаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида Президентимизнинг қуйидаги қатор Фармонлари эълон қилинди.

— 1990 йил 3 майда — «Кўп болали оилаларга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида»;

— 23 август 1994 йилда — «Кам таъминлаган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»;

— 1996 йил 4 мартда — «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

— 1996 йил 10 декабрда — «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»;

— 1999 йил 13 январда — «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида».

Ўзбекистон сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ижтимоий соҳага, уни тобора ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор берилаётганига алоҳида тўхталиш жоиздир. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда бу борада жиддий натижаларга эришилди. Айниқса, соҳанинг муҳим тармоқлари ҳисобланган таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда ижобий ишлар қилинди. Бу аҳолига бевосита хизмат қиладиган соҳаларга бюджет харажатларининг 50 фоиздан ортиқроқ қисми ажратилди. Бошқа мамлакатлар бюджетида бундай алоҳида моддалар кўзда тутилмаган.

Маълумки, 1994 йилдан бошлаб мамлакатимизда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бунда, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўша йили 1 октябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга нафақа тўлашнинг ягона тизими ишлай бошлади.

Муҳтож оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли маблағлар ажратиб бериш мақсадида маҳаллаларда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари ҳисобидан жамғармалар ҳосил қилинди.

Ўтган давр ичида, яъни 1994 йилнинг охирги чорагидан — ҳозирга қадар кам таъминланган табақаларга моддий ёрдам бериш учун давлат томонидан 7 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бораяпти. Масалан, умумий пенсия ёши эркаклар учун 60, аёллар учун 1999 йилнинг март ойида илгари кўрсаткичга нисбатан бир йилга қисқартирилиб, 54 ёш этиб белгиланди. Яъни, Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Аёллар йили хотин-қизларимиз учун қўшимча қулайлик ва имтиёзлар келтирди. Юртбошимизнинг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёллар ёшга доир пенсияга чиққанидан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқини жорий этди.

Шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига 20 фоиздан ошмайдиган имтиёзли солиқ тайинланадиган бўлди.

Бундан ташқари, ҳукуматимиз ёлғиз қариялар, фахрийлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун яратиб бераётган имтиёзлар кўпчиликнинг оғирини енгил қилмоқда. Биргина 1998 йилда Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли идоралар ва жойлардаги маҳаллий ҳокимликларнинг саъй-ҳаракатлари билан юздан ортиқ ногиронлар оилалари уй-жой билан таъминланди, минглаб кишиларнинг уйлари бепул таъмирлаб берилди, хонадонларига телефон, газ ва ичимлик суви тармоқлари ўтказилди.

Айни пайтда, аҳолига нисбатан ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсатиш, уни ўз-ўзини ташвиш ва мушкуллари билан қолдирмаслик, ўтиш даврига табиий бўлган моддий ноқулайлик ва оғирликларни имкони борича давлат воситалари билан қоплаш ва енгиллаштириш, шунингдек, миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, осойишталик ва тотувликни таъминлаб бериш, ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш учун кафолат бўлиб хизмат қилаётир.

Умуман олганда, ижтимоий муҳофаза тизими орқали кўрсатилаётган ёрдам, **биринчидан** — аниқ манзили бўлиши керак, **иккинчидан** — боқимандачилик, ўзгалар ҳисобига яшаш нафсига буткул тўсиқ қўйиш лозим, **учинчидан** — одамларни кўнгилли ва самарали меҳнатга ундовчи восита бўлмоғи лозим.

Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида: «Тўртинчи устувор йўналиш — халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади» деган хулоса билан бу тамойилнинг аҳамиятлилигини яна бир бор таъкидладилар.

■ **Шуҳрат МАҲМУДБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори. Азиз АЗИМОВ, академия тингловчиси**

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

Ўзбегимнинг тантанали кунлари кўп. Улар қаторига Хотира ва Қадрлаш куни ҳам қўшилган. Олтинсой туман ҳокимлиги хайрли ишни амалга оширди. Туманда истиқомат қилаётган 45 нафар фуқаро Тошкент шаҳридаги Хотира майдонини зиёрат қилиб қайтишди. Сафар давомида, шунингдек, Ал-Бухорий ҳамда Ҳаким ат-Термизий мажмуалари зиёрат қилинди.

Сарф-харажатларни туман ҳокимлиги ўз зиммасига олди. Мустақил диёримизда тобора қадр топиб бораётган қадриятларимиз ва ҳамиша эъзозда бўлган қарияларимизга ҳурмат ҳамда эҳтиром рамзи бу.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Ургутлик «тўнчи»лар

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЯНГИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ОЛАМИ

Пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» халқаро конференция ва кўргазма доирасида UzTel-2000 — «Телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари» кўргазмаси бўлиб ўтди. Кенг қамровли мазкур кўргазмада жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатидан салкам 40 фирма қатнашди. Улар орасида, айниқса, оламга донғи кетган «Эриксон» компаниясининг маҳсулотлари кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. «Эриксон», пойтахтимизда ўз ваколатхонасига эга бўлиб, телекоммуникациянинг барча соҳаларида фаол иштирок этиб келаётир.

Нуфузли кўргазмада у мобил алоқа, Интернетга маълумотларни узатиш, шунингдек, алоқа ва телефонлар идора тижорати шаҳобчаларидаги энг янги ечилмаларга асосланган маҳсулотлар ва техник ечимларини тақдим этди.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ФРАНЦИЯНИНГ ДАЪВАТИ

Франция Интернет тармоғидаги турли диверсия ва жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ушбу тизим устидан давлат назорати ўрнатишга даъват қилди.

«Катта саккизлик» мамлакатларининг Париждаги анжуманида Франция Бош вазири Лионель Жоспен Интернет индустрияси томонидан ўрнатилган назорат кифоя қилмаётганлиги яққол сезилмоқда, деди. Франция ва Япония ҳамраислигида ўтган бу уч кунлик анжуман ҳукуматлар, полиция ва ишбилармон доиралар вакилларининг тармоқдаги жиноятчиликнинг олдини олишга бағишланган биринчи халқаро учрашувидир.

■ **(Би-би-си).**

ЖИНОИЙ ГУРУҲ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Испания полицияси ўтказган операция натижасида наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланаётган иккита жиноий гуруҳ аъзолари ҳибсга олинди. Канар ороллари ўтказилган бу операция январь ойида бошланган «Денгиз юлдузи» тадбирининг якуний нуқтаси бўлди. Ушбу тадбирлар натижасида полиция эллик килограмм кокаин, яхта, тезюрар катер ва бир неча автомобилни мусодара қилди. Бундан ташқари, Экстремадура вилояти полициячилари Перудан Испанияга гиёҳвандлик моддаларини олиб кириш билан шуғулланаётган жиноий гуруҳни фош этди. Мазкур гуруҳ аъзоларининг барчаси қўлга олинган.

ИСЁН БОСТИРИЛДИ

Парагвай Президенти Луис Гонсалес Макки мамлакат армиясининг собиқ қўмондони Лино Овьедо тарафдорлари томонидан уюштирилган исён бостирилганини маълум қилди. Маҳаллий радио тарқатган хабарларга қараганда, исёнчи қўшинлар мамлакат пойтахти Асунсьондаги марказий ҳукумат биносини қўлга киритишга ҳаракат қилган экан.

ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Покистоннинг Карачи шаҳрида таниқли диний арбоб Юсуф Лудхианвийнинг ўлдирилиши оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарди. Полиция ходимлари намойишчиларни тарқатиш учун таёқ ва кўзни ёшлантирувчи газдан фойдаланди.

Маълумотларга қараганда, диний партия етакчиси Юсуф Лудхианвий номаълум кишилар томонидан отиб ўлдирилган. Тажовуз натижасида унинг ҳайдовчиси ҳам ҳалок бўлган, ўғли ва бир ҳамроҳи оғир яраланган.

■ **(ЎзА)**

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

ГОҲ-ГОҲ, ОЗ-ОЗ...

ёхуд ўзбек шаробига олтин нишон берилгани хусусида

Яқинда Ялта шаҳрида Қрим шаробчилар кенгаши ҳамда «Магарич» узумчилик ва виночилик институти томонидан қувватли ичимликлар бўйича иккинчи халқаро танлов ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг бир қатор корхоналари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Йиғин шуни кўрсатдики, Ўзбекистон шаробчилигининг бошқалардан қолишадиган жойи йўқ. Ўзбекистондан танловга қўйилган етти хил маҳсулотнинг 6 таси олтин, 1 таси кумуш медал билан тақдирланганлиги фикримизнинг далилидир.

Танлов моҳияти, натижалари тўғрисида сўзлаб беришни «Шаробсоз» ижодий маркази раҳбари Омонулла Абдуллаевдан илтимос қилдик.

— Узум шарбатидан тайёрланадиган шароблар бўйича бундай танловларни уюштириш азалий анъана, — деди Омонулла Аҳмадалиевич. — Қувватли ичимликлар борасида эса бундай деб бўлмайди. Сир эмаски, кўпчилик арақ тайёрлашни жўн ишлардан деб билади. Ваҳоланки, бу жараённинг ўзига хос ва бетакрор жиҳатлари бор. Танлов ташкилотчилари масаланинг айни мана шу томонларига эътиборни қаратдилар. Тўғри, бундай маҳсулот тайёрлашда Россия, Украина каби мамлакатлар анча илғор саналади. Лекин бизда ҳам мустақиллик йилларида ҳар жиҳатдан қулай имкониятлар юзага келди. Айниқса, иқлимий шароитларимиз, узумларнинг қуёшдан нур эмиб, тафтига қониққанлиги маҳсулотнинг сифатини ошириш омили эканини унутмайлик. Демак, оқилона иш юритилса, муваффақиятлар қўлга киритилиши аниқлигини Ялта танлови яна бир бор намойиш этди.

— Танлов қандай маҳсулотлар бўйича ўтказилди?

— Танловда қуввати 28 даражадан юқори бўлган ликёр, коньяк, бальзам каби ичимликлар сифат ва ташқи кўриниши ҳамда қадоқланиши билан баҳоланди. «Магарич» узумчилик ва виночилик институти, Қрим шаробчилар кенгаши дунёга таниқли ташкилотлар экани, бу ерда фаолият кўрсатаётган мутахассислар ўз соҳасининг етук билимдонлари эканини инобатга оладиган бўлсак, юртимизда тайёрланган ва танловга қўйилган маҳсулотларнинг аксарият қисмини олтин медалга сазовор деб баҳоланиши таҳсинга лойиқдир. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, афсуски, ҳанузгача баъзилар хорижнинг сирти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотларига маҳлиё бўлишади. Бинобарин, ўзимизда тайёрланаётган маҳсулотлар чет элникидан асло қолишмайди. Муҳими, табиийлиги билан ажралиб туради.

—Ўзига хос йиғинда қайси корхоналарнинг маҳсулотлари муносиб тақдирланди?

— Биринчи навбатда «отахон» корхоналаримиздан Самарқанддаги Ховренко номли очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг «Самарқанд» ва «Шердор» коньяклари ҳамда «Самарқанд» бальзамини тилга олиш жоиз. Бу ичимликлар танлов ҳайъатининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Маҳаллий мутахассислар маҳсулотларимизнинг сифатига аллақачон тан беришган. Энди хорижда ҳам эътироф этилди. Юқори баҳоланган маҳсулотлар орасида яна Бухородаги «Шоҳруд» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг «Шифобахш» бальзами, Денов туманидаги САБВ очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг «Сангардак» арағи бор. Чиноз туманидаги «Комсар» корхонасининг шу номдаги арағи олтин, «Қарвон» арағи эса кумуш медалга сазовор бўлди. Албатта, танловда узумчилик ва виночилик билан шуғулланувчи корхоналаримизнинг айримларигина ўз маҳсулотлари билан қатнашганини инобатга оладиган бўлсак, ҳали бу борадаги салоҳиятимизни янада кенгайтиришга имконият борлиги кўринади.

— Маҳсулотларимизнинг бундай юқори баҳо олиши қувончли. Кўпчилик арақ, вино нималигини билар, лекин бальзам ҳақида нималар дейиш мумкин?

— Гапингизга тушундим. Тўғри, бальзам бежиз олтин медалга муносиб кўрилмади. Аслида бальзам дегани турли гиёҳ ва ўсимликларнинг спиртдаги эритмаси маъносини англатади. Бальзам қадаҳларда эмас, балки сув ёки чойга маълум миқдорда томчилатиб ичишга тавсия этиладиган доривордир. Бундай ичимликдан хосиятини билиб фойдаланиш, керак бўлса шифокорлар маслаҳатини олиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Агар бу ичимлик доривор бўлса, қандай қилиб у шаробчилик соҳасига кириб қолган, деган саволнинг туғилиши табиий. Ҳамма гап бир пайтлар билиб-билмай ичимлик сифатида дўконларга чиқариб юборилганида. Ўшандан бери бальзамлар дорихоналар қолиб, корхоналарда тайёрланмоқда. Ўйлайманки, бу борадаги ишлар яна аслига қайтади. Биз эса бу хусусда олиб борилаётган изланишларимизни янада давом эттиришга ҳаракат қилаверамиз.

■ **Шермат АЛЛАМОВ**

ҚАРОР ВА ИЖРО

МАОШ ЎЗ ВАҚТИДА БЕРИЛИШИ КЕРАК

Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида бўлиши ҳаётий зарурат. Уни кечиктириш асло мумкин эмас. Чунки ҳар ким қилган меҳнатига ўз вақтида ҳақ олиши шарт. Бу ҳақда ҳатто Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

Наманган вилоят прокуратураси идоралари умумий назорат тартибида мутахассисларни жалб этиб, шаҳар ва туманларда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш тўғрисидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари нечоғли бажарилаётганини текширди. Унда қонунбузиш ҳолатлари аниқланди.

Чуст туманлараро прокуратураси томонидан тумандаги 3-қурилиш-монтаж корхонаси фаолияти текширилганда корхонанинг 1999 йил 1 декабрь ҳолатига муддати ўтган 144763 сўм иш ҳақлари тўланмагани аниқланди. Бу эса корхона раҳбари М. Мирзараҳмоновнинг тўлов интизомига оид тегишли ҳужжатларга беписандлиги ёки ўз мансабини суиистеъмол қилишлигидан далолатдир. Чунончи, корхонанинг 1999 йил 1 январь ҳолатига 154567 сўм иш ҳақидан қарзи бўла туриб, йил давомида уни тўлаш бўйича ҳеч қандай амалий чоралар кўрилмаган. Январь ойида маош учун олинган 68.070 сўм маблағнинг салкам ярми раҳбар ва бош ҳисобчига теккан. Қолган сумма эса 26 нафар ишчига тақсимланган холос.

Текшириш чоғида иш ҳақларининг вақтида берилмаслигининг сабаби ойдинлашди. Бундай ҳолат корхона раҳбарининг ишни бажаришдан олдин шартнома тузмаслиги ва аввалдан 15 фоиз ҳақ ундирмай хизмат кўрсатаётгани туфайли келиб чиққан. Муддати ўтган дебитор қарзларини тўлатиш чоралари ҳам кўрилмаган. Боз устига дебитор қарзлардан бир қанчаси асоссиз ҳисоботдан чиқариб юборилган.

Жумладан, корхонанинг 1999 йил 1 декабрь ҳолатига дебитор ҳақлари 374,5 минг сўм бўлиб, шундан муддати ўтгани тўртта ҳолатда 264,3 минг сўмни ташкил этади. Ваҳоланки, хўжаликнинг Чуст ТАЙБ корхонасининг ўзидан 237,9 минг сўм дебитор қарзи бўлиб, бунинг учун ўзаро шартнома тузилмаган. Олдиндан 15 фоиз ҳақ олиш у ёқда турсин, ҳаттоки 1998 йилдан то ҳозирга қадар солиштирма далолатнома ҳам мавжуд эмас.

Бундан ташқари, корхона раҳбари М. Мирзараҳмоновнинг сахийлигидан тумандаги «Одил» хусусий корхонаси ҳам «бенасиб» қолмаган. Оқибатда 22,5 минг сўм ҳақи «осилиб» ётибди. Марказий касалхонада бажарилган 14,4 минг сўмлик иш эса асоссиз ёпиб юборилган. Буни қарангки, устамон раҳбар Чуст якка тартибда уй-жойлар қурилиши бўлимига кўрсатилган 342,9 минг сўмлик хизмат эвазига қонунга зид равишда юк хати орқали ушбу ташкилотдан ёғоч кесиш дастғоҳи олган. Бироқ у асосий восита сифатида корхонага кирим қилинмаган. Айни вақтда дастғоҳ корхонада йўқ. Унинг қаердалигини директордан бошқа ҳеч ким билмайди.

Дарвоқе, буларнинг барчаси М. Мирзараҳмоновнинг иш фаолиятини ҳам четлаб ўтмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Энг ачинарлиси, Ҳ. Тожимирзаев муқаддам йўл қўйган камчиликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишига қарамай, ундан тегишли хулоса чиқармаган. Бўлмаса корхона бюджетидан 4277,1 минг сўм, пенсия жамғармасидан 9500.0 минг сўм ва ишчи-хизматчилардан 539.300 сўм қарздор чиқмас, муддати ўтган дебитор қарзи 6704 минг сўмга етмаган, нўноқ раҳбар ва бош ҳисобчи жиноий жавобгарликка тортилмас эди.

Биз вилоятимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган айрим корхона, ташкилотлар хусусида сўз юритдик, холос. Республика Президентининг Фармонлари ва ҳукумат қарорлари етарли бажарилмаётганлиги ҳолатлари Поп, Чортоқ, Учқўрғон туманларида ўтказилган текширишларда ҳам маълум бўлди.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қонунбузиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 10 та тақдимнома киритилди ва 9 та жиноят иши қўзғатилди, 34 нафар шахс маъмурий, 20 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 21 нафар шахс эса келгусида қонун талабларини бузмаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Туман ҳокимларига 5 та ахборот юборилган.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, Фармону қарорлар нега изчил бажарилмаётир? Ахир, унинг ижроси кишиларимизнинг турмушини яхшилашга қаратилган-ку! Наҳотки, шуни масъул раҳбарлар тушунмаса!

■ **Абдуғаффор СОДИҚОВ, Наманган вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси. Баҳодир ҲАМИДОВ, журналист.**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1996 ЙИЛ

2 ноябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг «Ўзбекистон ХДП МК «Эҳтиром китоби»га бир гурух партия фаоллари номини киритиш тўғрисида» ги қарори матбуотда чоп этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, ХДП МК аъзоси Абдулла Орипов, меҳнат фахрийси, Ўзбекистон ХДП Бешариқ туман кенгаши ижроия бюроси аъзоси Собиржон Асқаров, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти доценти, вилоят партия кенгашининг жамоатчилик асосидаги маслаҳатчиси Ортиқ Вафоев, Жиззах шаҳри фахрийлар кенгаши раиси, шаҳар партия кенгаши аъзоси Ваҳоб Жалилов, Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим бошлиғи, БПТ котиби ўринбосари Саттор Ёқубов, Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши котиби Виктор Луценко ва бошқа бир гуруҳ фаоллар номи «Эҳтиром китоби»га киритилди.

28 ноябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Украина Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В. Сметанин, унинг илтимосига кўра қабул қилинди.

Самимий руҳда ўтган суҳбатда мустақил давлатларимиз раҳбарларининг Ўзбекистон билан Украина халқларининг азалий дўстлик алоқаларини янада кенгайтириш, мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди ва ушбу йўлдан изчил борилаётганлиги мамнуният билан қайд этилди.

5 декабрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда партиянинг ички ҳаёти ва фаолиятига таллуқли қатор масалалар кўриб чиқилди. ХДП МКнинг ўн олтинчи пленуми кўрсатмасига биноан Марказий Кенгаш ҳузуридаги илмий-назарий семинарни ташкил этишга қарор қилинди.

